

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.

Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳ: Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-уй.

Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60

Сайт: www.fdu.uz

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

А.Акбаров	
Хайнрих Хайне ва аёллар.....	94
Г.Орипова	
Ўзбек шеъриятида ижорий лирика тарихи ва тадрижи.....	101
О.Барзиев	
Фарона номи билан боғлиқ анъанавий поэтик турқумлар.....	108
Д.Турдалиев	
Ўзбек достончилик санъатининг ўзига хос хусусиятлари.....	114
Ю.Каримова	
“Лисонут-тайр” достонида бадиий тасвир усуллари ва ифода воситалари.....	123
Д. Муратова	
ХХ аср ўзбек ва корейс ҳикояларида ота-она ва фарзанд муносабатларида оиласвий қадриятлар тасвири.....	127

ТИЛШУНОСЛИК

А.Мамажонов, А.Саминов	
Сўз бирикмаси қисмларида семантик мутаносиблик ва номутаносиблик.....	133
М.Мамажонов	
Диалогик дискурсда антропонимларнинг коммуникатив-функционал хусусиятларига доир.....	138
Р.Ахророва	
Ўзбек ва француз типларида эрта ёшлик “jeunesse”нинг лексик-семантик ифодаланиши.....	144
Х.Қодирова	
Хоразм шеваларида ўзлашма сўзлар асосида шакланган айrim лақаблар.....	148
Х.Дўсматов	
Ўзбек миллий сўз ўйинлари турлари ва талқини.....	152
Ш.Шокиров, Д.Қозоқбоева	
Инглиз тилида “ear – қулоқ” семасига алоқадор бўлган сўзларнинг семантик хусусиятлари.....	159
Т.Яндашова	
Бадиий матнда “гўзаллик” концептини ифодаловчи фонетик-фонологик воситалар лингвопоэтикаси.....	163
Г.Тожиева	
Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида маънавий-маърифий тушунчаларни ифодаловчи атов бирликларининг тавсифланиши.....	168
З.Раджабова	
Ўқув фразеографияси лексикографиянинг маҳсус бўлими сифатида.....	173

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Х.Турсунов, Ю.Минаматов, И.Мўминов	
Замонавий таълимда компьютер ўйин элементларидан фойдаланишининг педагогик муаммолари ва ечим тавсиялари.....	182
М.Каримова, З.Арипов, М.Оламова	
Педагог ва талаба ёшларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг омиллари ва усуллари.....	189
С.Умаров	
Талабалар мустақил ишларини ташкил этишнинг илмий-педагогик имкониятлари.....	193
С.Аъзамов	
Тўқимачилик ва енгил саноат соҳаси терминларини тартибга солиш.....	197

ТИЛШУНОСЛИК

УДК: 811.512.133`342:82

811.111`342:82

БАДИЙ МАТНДА “ГЎЗАЛЛИК” КОНЦЕПТИНИ ИФОДАЛОВЧИ ФОНЕТИК-ФОНОЛОГИК ВОСИТАЛАР ЛИНГВОПОЭТИКАСИ

**ЛИНГВОПОЭТИКА ФОНЕТИКО-ФОНОЛОГИЧЕСКИХ СРЕДСТВ ВЫРАЖЕНИЯ
КОНЦЕПТА «КРАСОТА» В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ТЕКСТЕ**

LINGUOPOETICS OF PHONETIC AND PHONOLOGICAL MEANS OF EXPRESSING THE CONCEPT OF "BEAUTY" IN A LITERARY TEXT

Турсуной Яндашова Рустам қизи¹

¹Яндашова Турсуной Рустам қизи

– ТошДЎТАУ таянч докторанти.

Аннотация

Мақолада гўзаллик концепти ва уни ифодаловчи фонетик-фонологик воситаларнинг ўзбек ва инглиз тилларидағи қиёсий тадқиқи амалга оширилган. Бу орқали инсон ва унинг ички, ташки гўзаллигини акс эттириуечи мазкур воситаларнинг иккى тил луғат фондида, сўзлашув нутқида ҳамда бадиий матнданаги ўрнини белгилаш мақсад қилинган.

Annotation

Статья представляет собой сравнительное исследование понятия «красота» и его фонетических и фонологических средств в узбекском и английском языках. Цель – определить место этих средств в двуязычном словаре, в разговорной речи и в художественном тексте, отражающих человека и его внутреннюю и внешнюю красоту.

Annotation

The article provides a comparative study of the concept of beauty and its phonetic-phonological means in Uzbek and English. The purpose is to determine the place of these means in the bilingual dictionary, in colloquial speech, and in the literary text, which reflect the person and his inner and outer beauty.

Таянч сўз ва иборалар: гўзаллик, лингвопоэтика, фонопоэтика, оҳанѓдошлиқ, ассонанс, консонанс, аллитерация, геминация.

Ключевые слова и выражения: красота, лингвопоэтика, фонопоэтика, созвучие, ассонанс, аллитерация, геминация.

Key words and expressions: beauty, linguopoetics, phonopoetics, melody, assonans, consonans, alliteration, gemination.

Тилнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, тадрижий такомили билан боғлиқ жараёнлар инсониятни азал-азалдан ўзига қизиқтириб келган. Қадимги юонон классикаси вакилларининг аналогистик ҳамда аномалистик қарашлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Зоро, башарият пайдо бўлгандан то бугунги кунга қадар инсон тафаккури тўла англаб етмаган жумбоқлардан бири айнан тил, унинг қандай пайдо бўлганлиги, табиий ёки илоҳий ҳодисами, мазмунидаги баҳслар фанда ҳали тўла-тўқис ечимини топиб ултургани йўқ. Платоннинг фикрича, нутқда тез, ингичка, шовқинли ва юмалоқ сингари товушлар мавжуд ҳисобланади. Шу билан бирга предметлар ҳам тез, ингичка, шовқинли ва юмалоқ бўлади.

Унинг наздида, тез нарсалар ва предметларни ифодалаганда “тез” товушлардан фойдаланилади. Ингичка предметларга ингичка товушлардан фойдаланиб ном берилади. Қолган шаклдаги предметларга, масалан, шовқинли нарсаларга ном берилишини ҳам шундай асослаш мумкин. Улар сўз таркибига сингиб ўзига хос маъно ва оҳанг касб этиб ултурмаган товушларга ҳам ўзгача мазмун беришга интилишган эди. Масалан, “р” – тезлик ва шиддатнинг рамзи, “л” – викорнинг, силлиқликнинг, ялтироқликнинг ифодачиси, “и” – торнинг, “а” – каттанинг, “е” – абадиятнинг белгиси сифатида талқин қилинган. Кейинроқ товушлар табиати билан шуғулланувчи мутахассислар “у”, “д”, “р” товушлари даҳшатни ёдга солиши, “и” –

хурсандчиликнинг, “м”, “н”, “л” товушлари назокатнинг сирли рамзлари эканлиги ҳақидаги муроҳазаларини баён қилишган [4; 115-117]. Бу фикрларга ҳамоҳанг тарзда бугунги кунда синестезия истилоҳи остида ўрганилаётган психолингвистик ҳодисани мисол келтиришимиз мумкин. Синестезия – одамларнинг сезги тизимларининг ўзига хос жараёни бўлиб, унда ҳар хил сезгиларга тааллуқли турли хил ҳиссиётлар бир хил идрок қилиниб биргаликда ассимиляция қилинади [1; 182-207]. Масалан, баъзи одамлар товуш ва ранг каби икки хил тасаввурни бир бутун сифатида қабул қилишлари, баъзи одамлар эса рангларни эшлишилари, товушларни кўришлари, шаклларни татий олишлари, ҳидлардан сесканишлари каби ҳолатларни бошдан кечиришлари мумкин. Ва бу айнан синестезиянинг инсон руҳиятида мавжуд ҳодиса эканлигини, унинг бир кўриниши тил товушлари билан боғлиқлиги юқоридаги фикрларимизни далиллайди.

Фикрни жозибали ва гўзал ифодалашда фонетик-фонологик воситаларнинг аҳамияти катта ҳисобланади. Чунончи, шеъриятда аллитерация (ундошлар тақорори), ассонанс (унлилар тақорори), геминация (ундошларни қаватлаш) каби фонетик усуллардан фойдаланиб, насрда унлиларни чўзиш, ундошларни қаватлаш, товушларни тақорлаш, сўзларнинг фонетик қобиғини ўзгартириб ёзиш, товуш орттириш ёки товуш тушириш каби фонетик усуллар ёрдамида экспрессивлик таъминланади.

Бадиий нутқнинг оҳангдорлиги ва таъсирчанлигини таъминлашда аллитерациянинг ўрни бекиёсдир. Шеърий нутқда мисралар, ундаги сўзлар ҳамда бўғинлар бошида ёки охирида бир хил ундош товушларнинг тақорор қўлланишига аллитерация дейилади [5;70-71]. Товушлар замиридаги мусиқийликка асосланган бу усул қадимдан Шарқ шеъриятида кенг қўлланилиб келинган. Кўхна бадииятшунослик («илми бадеъ»)да аллитерация «тавзизъ санъати», деб юритилган. Аллитерация деганда,

забардаст шоир Эркин Воҳидовнинг машҳур «қ» аллитерацияли шеъри кўз олдимиизга келади:

Қаро қошинг, қалам қошинг,
Қийик қайрилма қошинг қиз.

Инглиз лингвомаданиятида Вильям Шекспир ижоди ниҳоятда катта маънавий-маданий мерос сифатида қадрланади. Шекспир драмалари ва шеъриятида аллитерациядан ниҳоятда унумли фойдаланган. Хусусан, “Ромео ва Жульєтта”нинг I пардасида келтирилган қуидаги мисралар фикримизни яққол исботлайди:

From forth the fatal loins of these two foes;

A pair of star cross'd lovers take their life.

Бунда Шекспир “from”, “forth”, “fatal” ва “foes” сўзлари орқали “ф” товуши аллитерациясидан, “loins”, “lovers” ва “life” сўзлари орқали “л” товуши аллитерациясидан жуда чиройли оҳангдошликни юзага келтирган. Бунда “ф” товуши билан бошланувчи барча сўзлар “fatal” (ҳалокат) ва “foes” (душман) ўлим ва вайронагарчилик семасидаги умумий майдонга бирлашса, аксинча, “л” товуши билан бошланувчи “life”, “lovers” “loins” сўзлари эса ҳайтнинг давомийлиги билан боғлиқ умумий семага бирлашади. Натижада шеърда ҳам оҳангдошлик (аллитерация), ҳам контраст билан боғлиқ ажойиб образли манзара вужудга келган. Умуман, Шекспир шеъриятининг асосий қисми сонетлардан иборат, улар инглиз адабиётшунослигига кичик кўшиқлар [3; 82] сифатида ҳам машҳур. Сонетлар, одатда, 14 қаторлик мисра ва қатъий ритмик қолил-структурга асосида яратилган. Шекспир 5- ва 12-сонетларининг бир қанча мисраларида қатъий аллитерациядан фойдаланилган [3; 111-112]. Қатъий аллитерация бу, икки ва ундан ортиқ сўзларда ундош товушларнинг оҳангдошлик ҳосил қилиши саналади. Масалан, 5-сонетда “б” товуши (Beauty's effect with beauty were benefit) ва “с” товуши (Lose but their show, their substance still lives sweet) билан боғлиқ қатъий аллитерациянинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Шунга ўхшаш 12-сонетда “б” товуши тўрт ўринда

ТИЛШУНОСЛИК

такрорланган мисра келади: “Borne on the bier with white and bristly beard [3; 115]”.

Ўзбек адабиётида аллитерация асосида гўзалликни ифодалаган ёрқин намуналарни асосан Чўлпон ижодида кўпроқ кузатишимиш мумкин.

Мен йўқил на бўлиб уни суйибмен,
Унинг-чун ёнибмен, ёниб-куйибмен,
Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен,
Мен суйиб, мен суйиб кимни
суйибмен,

Мен суйган суюкли шунчалар гўзал,
Ойдана гўзалдир, кунданда гўзал.

(Абдулҳамид Чўлпон).

Мазкур шеърда “б” ҳамда “й” товушлари оҳангдошлигини кузатсан, қўидаги мисолда эса “с” товushi оҳангдошлигига дуч келамиз:

Сочилган сочингдай сочился сиринг,
Анор юзларингни кимга тутасан?
Ўзингку уларда вафо йўқ дединг,
Нимага уларни тағин кутасан?

(Абдулҳамид Чўлпон).

Умуман, фонетик нутқни безаш шакллари ҳар бир тилда мавжуд. Сўзнинг товушли композицияси ёрдамида тилнинг экспрессивлигини оширишнинг ушбу усуллари орасида аллитерация ва ассонанснинг ўрни катта ҳисобланади. Инглиз тилида аллитерация, ассонанс, ономатопия, геминация, товуш ортиши, товуш тушиши каби ҳодисалар бир умумий ном - фонопоэтика номи остида ўрганилади [4; 115-117]. Фонопоэтика ўзбек тилшунослигида айрим лингвопоэтик тадқиқотларнинг бир қисми сифатида тадқиқ қилинган бўлса-да, ҳали монографик планда тадқиқ этилган эмас. Бироқ шу кунгача инглиз фонопоэтикаси бу борада анча катта тадқиқотларни кўлга киритиб улгурди [2;248]. Фонопоэтикада энг кўп ўрганилган ҳодисалар – бу, аллитерация ва ассонанс ҳодисаларидир. Аллитерация ҳар қандай поэтик нутқнинг ифодалигини ошириб, унга алоҳида ритмик гўзаллик бағишилайди. Фикримизни мисоллар асосида далиллаймиз. Эркин Воҳидовнинг “Асаблар” шеърида “б” товushi аллитерацияга тортилган. Бунда инсон кайфиятида юз берувчи ўзгаришлар, кишида иллат даражасида қораланувчи “ғазаб”нинг қанчалик катта

талафотларга сабаб бўлиши баён қилинади:

Асаблар,

Асаблар,

Асаблар...

Сабабсиз сочилган ғазаблар,

Гуноҳсиз чекилган азоблар,

Кўз ёшлар...

Барига сабаблар.

Асаблар, асаблар, асаблар.

Эркин Воҳидов.

“Т” товushi аллитерациясида Муҳаммад Юсуфнинг “Изҳор” шеъридаги қўидаги мисраларни мисол келтиришимиз мумкин:

Тўзғиди тўнингдан тортган тўралар,
Кеча тузингни еб сотган тўралар,
Бугун пушаймонда туйнук мўралар,
Мен сенинг ёнингдан жилмай севаман.

Аллитерация насрий асарда ҳам кузатилади. Қўидаги мисолларда *б*, *ғ*, *қ*, *ш*, *т*, *қ* ундошларининг такрорланиши натижасида ҳосил қилинган аллитерацияни кузатиш мумкин: *Бутун бет-бошим биж-биж бўлди. Бутун бет-бошим гуж-гуж ажин бўлди. Бет-бошим бет- бош бўлмади - дарз-дарз ер бўлди. Бет-бошим бет-бош бўлмади - қақроқ-қақроқ ер бўлди. Бет-бошим бет-бош бўлмади - шўр-шўр ер бўлди!* (Т.Мурод). Болалар фольклоридаги тез айтишлар ҳам аллитерацияга асосланган: *Бир туп тут, тутнинг тагида бир туп турп. Тут турпни туртиб турибдими, турп тутни туртиб турибдими? // Оқ чойнакка оқ қопқоқ, Кўк чойнакка кўк қопқоқ // Шу мушук, шум мушук, шумшук мушук.*

Аллитерациядан ҳалқ мақолларида интонацион бутунликни таъминлаш мақсадида ҳам кенг фойдаланилганлигини кузатишимиш мумкин:

Сўймаганга сўйканма, сўйганингдан айрилма // Тулкининг тушига товуқ кирап, Товуқнинг тушига тариқ кирап // Тек турганга шайтон таёқ тутқазар каби.

Инглиз тилшунослигида консонанс, ассонанс ҳамда аллитерация истилоҳлари фарқланади [2; 249]. Бунда консонанс сўзнинг исталган ўрнида, кўп ҳолларда охирида ундош товушнинг такрорини англатса, аллитерация айнан консонанснинг бир кўриниши сифатида

юзага чиқади. Аллитерацияда, одатда, сўз боши товушлари бир жумла ёки гапда оҳангдошликни вужудга келтиради. Ассонанс эса бевосита унли товушлар тақорори билан боғлиқ фонопоэтик ҳодисадир. Аллитерацияга инглиз адабиётидан Эмили Диккенсоннинг “Fame is a fickle food” мисрали шеърини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бунда “fame”, “fickle”, “food” сўзлари ўзаро оҳангдошлик асосида “ф” товуши аллитерациясини юзага келтирган. Ассонансга “Water falls across the autumn rocks” ёки “The green field gleams in the warm sunbeams” мисралари даги “а”, “о”, “еа” унли товушлари оҳангдошлигини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. “The lock stuck quickly, so Mark called a locksmith”, “Fred wondered why the road wound to a jagged end” жумлалари даги “с”, “с”, “к” ҳамда “д” товушлари консонанс ҳодисасининг ёрқин намуналари, дейишимиз мумкин.

Бадиий нутқقا интонацион бутунлик, оҳангдорлик ва эмоционал-экспрессивлик бағишлиш мақсадида қўлланиладиган фонетик усуллардан бири ассонансидир. Адабиётларда ассонанс айнан ёки яқин унлиларнинг тақорланиб келишидан ҳосил бўладиган оҳангдошлик эканлиги баён қилинган. Унлиларнинг тақорланиши мақолларда кўп кузатилади:

Овни отсанг, билиб от,
Дол нишонга қўйиб от.
Нон қон бўлса, қон – жон.

Ўзинг ўйда бўлсанг ҳам, ўйинг уйингда бўлсин.

Инглиз тилида ассонанснинг қуидаги уч тури фарқланади.

Ассонанснинг сўз таркибида келиши: crackerjack;

Ассонанснинг бирикма таркибида келиши: friends until the end;

Ассонанснинг гап таркибида келиши: Try to light the fire [2; 250].

Инглиз тилида аллитерация ёки ассонанснинг вужудга келиши учун айнан бир хил товушлар келиши шарт эмас. Бунда талаффуз катта роль ўйнайди. Ўхаш талаффузга эга монофтонг, дифтонг, трифтонглар ҳам нутқда оҳангдошликни юзага келтириши мумкин.

Шу жиҳатдан инглиз тилининг ўзига хос фонетик хусусиятлари кўзга ташланади. Бизнингча, ассонанснинг юқоридаги таснифини ўзбек тилидаги аллитерация ҳамда ассонанс ҳодисаларига нисбатан ҳам татбиқ этиш мумкин.

1. Сўз ичида аллитерация: гулдурак, момақаймоқ;

2. Бирикма ичида аллитерация: сояда салқинламоқ; жарангига жўр бўлмоқ; гулдай гўзаллашмоқ;

3. Гап таркибида аллитерация: Қилур қатлимга қасд қайраб...ва ҳ.к.

Биз бу таснифга қўшимча равишда контекстуал ёки тўлиқ аллитерация тури ҳам қўшилиши тарафдоримиз. Боиси, ўзбек тилининг ўзига хослиги, сўзга бойлиги ва мазмунан сержило эканлигидан муайян бир товуш воситасида бутун бошли бир матн юзага келиши мумкин. Албатта, бу ижодкорнинг таҳайюл дунёси, сўз қўллаш маҳорати билан боғлиқ саналади. Бунга юқорида келтирилган Э.Воҳидовнинг “қ” аллитерацияли шеърини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Инглиз адабиётидан бундай матн топиш бироз қийин кечди. Айниқса, гўзаллик концептини ифода этган бадиий матнларда бутун бошли бир ундош ёки бир унли билан бошланувчи парча учратмадик. Ўзбек тилида ассонанс таснифини ҳам худди юқоридагича таснифлашимиз мумкин:

Сўз ичида ассонанс: марҳамат; оймомо;

Бирикма ичида ассонанс: ойдай очилмоқ; осмондан олис;

Гап таркибида ассонанс: Илкимдаги илк имконим, илдамлагин.

Тўла ассонансга аёллар байрамида ўқиладиган бир табрикни мисол келтироқчимиз: Аёл!... Аллақанча азиз авлиёларни, алп-азаматларни “алла”лаган аёлмасми, ахир?! Аллоҳнинг арши аълосидан амр: “Аёлларингизни авайланг!”. Аҳли аёлимизни асрасак – аъмолимиз аъло! Аслида, азалдан ардоқлаганмиз. Айтайми, аёллар айёмида – атторсиз! Атир, атировун, ажабтовур атлас-адрас, анвойи атиргулларни аҳли аёлингизга атагайсиз!

ТИЛШУНОСЛИК

Аёлингиздан ажойиб анбарлар атри анқисин.

Бундан ташқари аллитерация ҳамда ассонанс биргаликда келадиган ҳолатлар ҳам учраб туради. Бунга машхур озарбайжон шоири Фузулийнинг қуидаги ғазалидан мисол келтирмоқчимиз:

Ҳар китобаким, лаби лаълинг ҳадисин ёзалар,

Риштаи жон бирла завқ аҳли ани шерозалар.

Бу на сирдур, сирри ишқинг демадан бир кимсая

Шахра душмиш ман сани севдим деян овозалар.

Фузулий.

Ғазалда “о”, “з”, ва “а” товушлари шундай бетакрор мусиқийликни юзага келтирганки, бу оҳангдошлиқ ўқигувчига тақорламас завқ-у шавқ бағишлиайди. Шундай экан, ассонанс қофиядош сўзлар таркибида келиб, шеърий нутқа кўтаринки рух ва ўзига хос мусиқийлик баҳш этишини қуидаги яна бир мисол ёрдамида кўриб чиқамиз. Ҳофиз Шерозийнинг бутун турк дунёсига машхур “Эй, сорбон...” ғазали матлаъсида “о”

товуши жуда гўзал оҳангдошликни юзага келтирган.

Эй сорбон, оҳиста рон, ороми жонам меравад.

(Ҳофиз Шерозий)

Аллитерация ва ассонанс сажъли насрда алоҳида аҳамият касб этади. Сажъ истилоҳи илмий адабиётларда насрда икки ёки ундан ортиқ сўзнинг қофияда ёхуд вазнда (баъзан ҳар иккисида ҳам) келишига нисбатан ишлатилиши таъкидланади. Мисол: Алқисса, Қораҳонподшо ўғлиниң дардини ишқдан билиб, кўнгли бузилиб, юрак-бағри эзилиб, қадди букилиб, кўзидан ёши тўкилиб, ўғлига қараб, бир сўз айтиб турибди.

Умуман, поэтик нутқни ҳар томонлама сайқаллаб, тингловчига таъсир кўрсатишда, эмоционал-экспрессив қийматини оширишда фонопоэтик воситаларнинг аҳамияти каттадир. Бадиий сўзнинг қудрати ҳам шаклан, ҳам мазмунан том маънодаги етук ижод маҳсулида яққол кўринади. Фонетик-фонологик воситалар ана шу шакл ва мазмуннинг энг муҳим асоси, десак муболаға бўлмас.

Адабиётлар:

1. Bailey, Mark E.S. and Keith J. Johnson. 1997. "Synesthesia: is a genetic analysis feasible?" In Baron-Cohen and Harrison, eds.; *Synesthesia*; Cambridge, Massachusetts: Blackwell.
2. Jason Camlot. *Phonopoetics. The making of early literary recordings*. Stanford university press – 2019.
3. Herrnstein, Barbara, ed. *Discussions of Shakespeare's Sonnets*. NewYork, 1964.
4. Tursunova O. *Phonopoetics of the text // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science*. – 2018.
5. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. –Тошкент: Фан, 2007.
6. Ощепкова В. В. Культурологические, этнографические и типологические аспекты лингвострановедения: Автореф. ... док. филол. наук. – М., 1995.
7. Cambridge Advanced Learner's Dictionary Electronic resource. -Cambridge University Press, 2004. <http://www.dictionary.cambridge.org> (24.06.2005).
8. Hornby A.S. Oxford Advanced Learner's Dictionary of Current English. Oxford University Press, 1974.

(Тақризчи: А.Мамажонов – филология фанлари доктори, профессор)